



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 13 июль, № 143 (7101)

Жума

Сайтимишга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИГА НЕФРОЛОГИЯ ВА ГЕМОДИАЛИЗ ЁРДАМИ КЎРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамлакатда нефрологик касалликларга чалинган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини сифат жиҳатидан яхшилаш чоралари кўрилмоқда.

Бир қатор республика ва барча вилоят тиббий муассасаларида беморлар умрининг анча узайишини ва уларнинг турмуш сифати ошишини таъминлайдиган гемодиализ бўлинмалари фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, мавжуд аҳволнинг таҳлили гемодиализ ёрдамига муҳтож бўлган беморларга тўлиқ тиббий хизмат кўрсатишга тўқнаб қилаётган бир қанча ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Хусусан:

**Биринчидан**, тиббий муассасаларида гемодиализ олиш учун ўринларнинг умумий сони реал эҳтиёждан бир неча баравар кам, гемодиализ бўлинмаларининг яримдан ортиги мослаштирилмаган хоналарда жойлашган, кўпгина гемодиализ машиналарининг белгиланган фойдаланиш муддати ўтиб кетган;

**Иккинчидан**, аҳолига юқори малакали нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш, шунингдек, буйрақларни трансплантация қилиш бўйича минтақавий бўлинмаларга эга бўлган ихтисослаштирилган тиббий марказини ташкил этишга эҳтиёж мавжуд;

**Учинчидан**, терминал ва ўткир буйрақ етисмовчилигига дучор бўлган беморларни даволашнинг ягона стандартлари ва протоколлари жорий этилмаган, шунингдек, нефрологик касалликларнинг барвақт олдини олиш, уларга ўз вақтида ташхис қўйишнинг самарали тизими, беморларни

танлаш ва гемодиализга юбориш тартиб-таомиллари йўлга қўйилмаган;

**Тўртинчидан**, нефролог мутахассислар, гемодиализ шифокорлар ва гемодиализ бўлинмаларининг бошқа тиббий ходимларини тайёрлаш бўйича ягона дастур мавжуд эмаслиги сабабли шифокор-нефрологлар ва гемодиализ бўйича мутахассислар кескин етишмаяпти;

**Бешинчидан**, нефрологик касалликларни даволашнинг замонавий тиббий инфратузилмасини яратиш ва ушбу соҳада тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этишда давлат-хусусий шериклик имкониятларидан фойдаланилмаётгани;

**Олтинчидан**, гемодиализ тиббий ускуналари ва сарфлаш материалларини олиб кириш ва сотиб олишни рўйхатдан ўтказиш, сертификатлаш ва рухсатнома олишнинг мураккаб ва шафқат бўлмаган тартиб-таомиллари амал қилмоқда, бу бозорга киришни ва уларни ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобатни чекламоқда.

Мавжуд муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш ва камчиликларга барҳам бериш, шунингдек, замонавий инфратузилмани ривожлантиришни таъминлаш ва нефрологик касалликлардан азоб чекаётган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини сифат жиҳатидан яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг аҳолига нефрологик ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш бўйича фаолияти қониқарсиз, деб топилсин.

2. Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг

худудий бўлинмаларининг аҳолига нефрологик ва гемодиализ ёрдами кўрсатиши янада ошириш соҳасидаги асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказлари, олий тиббий таълим муассасалари клиникалари, республика кўп тармоқли шифоналарининг етакчи мутахассислари иштирокида тизимли равишда аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилишини ташкил этиш; профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий ҳамда самарали усулларини жорий этиш йўли билан соғлиқни сақлаш тизимининг вилоят ва туман даражасида аҳолига ихтисослаштирилган, юқори технология нефрологик тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш;

буйрақ патологиясининг барвақт олдини олиш, уларни ўз вақтида аниқлаш, мавжуд беморларни даволаш ва реабилитация қилиш ишларини ташкил этувчи интеграциялаштирилган тизимни соғлиқни сақлаш тизимининг барча даражасида яратиш, шунингдек, беморларга ташхис қўйиш, танлаш ва гемодиализга юбориш жараёнини халқаро амалиётга мувофиқ қайта кўриб чиқиш ва оптималлаштириш йўли билан нефрологик касалликларга чалиниш ҳамда бу касалликлар сабабли вафот этишни камайтириш;

даволашнинг юқори технология усуллари ва замонавий стандартларидан кенг фойдаланган ҳолда гемодиализ ёрдамига муҳтож беморлар умрининг узайишини ва

уларнинг турмуш сифати ошишини таъминлаш;

тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида катта ёшдагилар ва болаларда буйрақ касалликларига ташхис қўйиш ва уни даволашнинг ягона замонавий стандартлари ва протоколларини жорий этиш, жумладан, гемодиализ сеанслари учун мажбурий клиник протоколларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

нефрологик ва гемодиализ муассасаларини замонавий юқори технология ташхис қўйиш ва даволаш тиббий ускуналари билан тўлиқ жиҳозлаш, уларни эҳтиёт қисмлар, гемодиализ учун сарфлаш материаллари билан узлуксиз таъминлаш ва тегишли қўрилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш йўли билан нефрология ва гемодиализ муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

нефрологик касалликларнинг барвақт олдини олиш, уларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш;

аҳолига нефрологик ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш соҳасида хусусий секторни ва давлат-хусусий шерикликни жадал ривожлантириш.

3. Аҳолига ихтисослаштирилган нефрологик ва гемодиализ тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Чора-тадбирлар дастури деб юритилади) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

(Давоми 2-бетда).



### ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ЕЧИМИГА АМАЛИЙ ИШЛАР ОРҚАЛИ ЭРИШИЛАДИ

Юртимизда бошқа соҳалар қатори экологик барқарорликни таъминлаш, аҳолининг қулай табиий муҳитга эга бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш, юзага келаятган экологик муаммоларнинг олдини олиш ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.

#### ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Президентимизнинг 2017 йил 12 июлда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ва Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан учрашувда маърузасида ҳокимият вакиллик органлари ҳамда сиёсий партиялар ва Экологик ҳаракатнинг ўтган даврдаги фаолияти танқидий равишда таҳлил этилиб, ишловларни чуқурлаштириш юзасидан олдимизда турган муҳим вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, Экологик ҳаракат ҳамда унинг Қонунийлик палатасидаги депутатлик гуруҳининг истиқболдаги вазифалари аниқ кўрсатиб ўтилди.

Ушбу ўтган даврда Экологик ҳаракат ҳамда унинг Қонунийлик палатасидаги депутатлик гуруҳи бундан қандай хулосалар чиқарди, бошқача айтганда, фаолиятимизда қандай ижобий ўзгаришлар юз берди?

Авалло, соҳага оид янги қонун лойиҳалари яратиш, мавжудларни такомиллаштириш, назорат-таҳлил фаолиятини бугунги талаб даражасида кучайтириш, узлуксиз экологик таълим концепциясини ишлаб чиқиш, экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари тизимини ривожлантириш, аҳоли экологик маданиятини юксалтиришга қаратилган тизимли ишларни амалга ошириш, атроф-муҳитга зарарли таъсир қўратувчи объектларни ва сув тозалаш ишюотларини инвентаризациядан ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастури қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Утган даврда Экоҳаракат депутатлари гуруҳи томонидан қонунчилик ташаббуси асосида битта янги қонун ҳамда 8 та қонунни такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди. Масалан, янги тахрирдаги "Урмон тўғрисида", Хайвонот дунёсини ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунлари янги тахрирдаги "Урмон тўғрисида" қонун лойиҳаси билан қўйилди.

Парламент ҳамда депутатлик назоратини самарали йўлга қўйиш ҳам доимий эътиборимизда. Шу пайтгача 11 давлат ҳамда ҳўжака бошқаруви органлари функционал вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари билан боғлиқ фаолиятни устидан ана шундай назорат йўлга қўйилди.

(Давоми 2-бетда).

#### Эътироф

### "Ўзбекистон капитал ҳажми ва айланмаси бўйича МДХда молия маркази даражасига чиқиши мумкин"

Яқинда МДХ Давлатлараро банки президенти Игорь Суворов бошчилигидаги делегация мамлакатимизга ташриф буюрди. Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Жамшид Қўчқоров билан музокаралар олиб борди. Мулоқот асосида хорижий мутахассислар юртимизда сўнгги пайтларда амалга оширилаётган янгиланишлар ва ишловларни юқори баҳолади.

"Биз Ўзбекистонга ташриф буюрганга қадар жуда хурсандимиз ва ўзаро мулоқотни фаоллаштиришдан манфаатдоримиз.

МДХ доирасида халқаро молия марказини яратиш гоёси бугун жуда долзарб ва ўз вақтида илгари суриляпти. Биз Ўзбекистон капитал ҳажми ва айланмаси бўйича МДХда молия маркази даражасига чиқиши мумкинлигини кўряпмиз", деди И. Суворов.

Айтиш жоизки, мазкур молия муассасасига 1993 йилда МДХга аъзо ўн та давлат томонидан асос солинган. Унинг мақсади миллий валюталарда трансчегаравий тўловларни амалга ошириш, МДХ мамлакатларида миллий валюталарда ташқи савдо операцияларини кредитлаш, давлатлараро аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда қатнашиш учун ҳисоб-китоб механизмининг яратиш воситаси-

да иқтисодий интеграция ва миллий иқтисодиётлар раванқига кўмаклашишдир.

"Тошкент — барчани ўзига оҳанрабодай тортувчи марказ, бу нафақат бизнинг, балки муассислар, мижозларимиз фикридир. Бугун Ўзбекистон — энг муҳим давлатлардан бири, кашфиётлар, янгиланган мамлакат. Биз бу ерда рўй бераётган ишловларни кузатиб борапмиз. Яқинда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича қарор имзолади. Технологик янгиланишлар даврида, бу — улкан қадам ва биз бундай ўзгаришларни қўллаб-қувватлаймиз. Ишончимиз қомилки, барча қўшиллар бунга хайрихоҳ бўлади", деди МДХ Молия-банк кенгаши бош директори Павел Нефидов.

С. МАХСУМОВ  
тайёрлади.

### Металлни қайта ишлаш саноатидаги йирик лойиҳа



Тошкент шаҳрида "Metal Processing" масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

Инвесторларнинг эътироф этишича, мазкур йирик лойиҳа нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё металл қайта ишлаш саноати ривожига муҳим қадам бўлди. Зеро, минтақада ягона бўлган ушбу юқори технологияли завод тўқимачилик машинасозлиги учун халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган ускуна

ва деталлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Янги корхона "Ўзтўқимачилик саноат" уюмчаси, Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Швейцариянинг жаҳонга машҳур "Rieter AG" компанияси билан ҳамкорликда бунёд этилди. Бунинг учун қарийб 4 миллион АҚШ долларлик хорижий инвестиция жалб этилди.

(Давоми 2-бетда).

#### Долзарб мавзу

### Ноз-неъматлар уволига қоляпмиз

#### Бунга ким айбдор?

Юртимизда айни пишиқчилик. Саратон тафтидан мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари бирин-кетин пишиб етилмоқда. Натижада бозорларда нарх-наво барқарорлашяпти. Рўзгор учун муҳим маҳсулотлар — пивё, саримсоқлиёз, баклажон, помидор, бодиринг каби сабзавотлар, картошка, олма, ўрикларни мақбул нархларда оласиз. Бу ҳосил чўғининг баландиғидан, албатта.

Истеъмолчи учун нарх қанча арзон бўлса, шунча яхши. Аммо богбону деҳқонга-чи? Улар хизматига яраша даромад оляптими?

Сиртдан қараганда, ҳаммаси жойида. Чунки расмий маълумотларда келтирилишича, маҳсулот етиштириш ҳажми ҳам, унинг экспорти ҳам аввалги йиллардагига қараганда анча ошган. Усиш борми, демак, фойда ҳам бор. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

(Давоми 3-бетда).

#### Қонун лойиҳаси — муҳоқамада

### Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик янада кучайтирилади

Ўзбекистон Республикаси Олий суди маълумотларига кўра, жиноий ва маъмурий ишлар бўйича судлар томонидан 2016-2017 йиллар, шунингдек, 2018 йилнинг биринчи чораги давомида тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралаштириш, тўсқинлик қилиш билан боғлиқ 2 358 та маъмурий ҳамда 22 та жиноий иш қўрилган.

Бундан ташқари, Бош прокуратура эълон қилган статистик рақамлар 2018 йил июнь ойига қадар тадбиркорлик субъектларига

нисбатан 8 872 та ҳуқуқбузарлик содир этилганини кўрсатмоқда. Бу кўрсаткичларни камайтиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида яна бир ташаббусга кўл урилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида тадбиркорлик фаолиятига аралашганлик учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИГА НЕФРОЛОГИЯ ВА ГЕМОДИАЛИЗ ЁРДАМИ КЎРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

⟨(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).⟩

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши учун шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

4. Чора-тадбирлар дастури амалга ошириладиган муддатга 2-иловага мувофиқ таркибда Аҳолига ихтисослаштирилган нефрологик ва гемодиализ тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури ижросининг боришини мониторинг қилиш бўйича ишчи комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) ташкил этилсин.

Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ушбу қарор қоидаларини амалга ошириш, қўйилган вазифаларни бажаришда юзага келадиган муаммоларни ва уларни келтириб чиқарадиган шарт-шароитларни аниқлаш; нефрология ва гемодиализ хизмати фаолияти, буйрак етишмовчилигига дучор бўлган беморларга юқори малакали ёрдам кўрсатиш бўйича тиббий ёрдам кўрсатишга юқланган вазифалар бажарилишининг самарадорлиги устидан тизимли назорат олиб бориш;

сурункали буйрак касаллигига чалинган беморларга ташхис қўйиш ва уларни даволашнинг ишлаб чиқилган стандартлари асосида нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш тиббий муассасалари томонидан вазифалар бажарилиши жараёнини, жумладан, жойларга бориб ўрганиш;

амалга оширилган тадбирлар материалларини, Комиссия қарорларини аниқланган камчиликларни ва тиббий муассасалари фаолиятидаги муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кўриш учун Вазирлар Маҳкамасига, прокуратура органларига ва бошқа органларга юбориш;

нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш тиббий муассасалари фаолиятидаги тизимли камчиликлар ва ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, бундай ёрдам кўрсатишнинг ташкилий тизимини янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг:

Тошкент шаҳар нефрология шифохонаси негизда Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказини ташкил этишни;

янги ташкил этилаётган Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази негизда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида "Нефрология, гемодиализ ва буйрак

трансплантацияси" кафедрасини ташкил этишни;

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб магистратура ва клиник ординатуранинг "нефрология" ва "болалар нефрологияси" мутахассисликлари бўйича янги йўналишларини очишни назарда тутувчи тақлифлари қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар нефрология шифохонасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ташкилотларининг нефрология ва гемодиализ бўлималари Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказининг минтақавий ташкилий-методик бўлималари ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги уч ой муддатда Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказини жойлаштириш учун Тошкент шаҳар нефрология шифохонаси биносини реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишини таъминласин.

7. "Соғлом авлод учун" фонди ва кенг жамоатчиликнинг сурункали буйрак етишмовчилиги билан касалланган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, гемодиализ хизмати фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида "Ўзбекистон диализ жамияти" нодавлат ноҳижорат ташкилотини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи қўллаб-қувватлансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги "Ўзбекистон диализ жамияти" нодавлат ноҳижорат ташкилотини рўйхатдан ўтказишда кўмаклашсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи "Йўл харитаси" тасдиқлашини таъминласин:

дастурий гемодиализ кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг жорий этиш, шунингдек, хусусий секторни ривожлантириш бўйича амалий ҳаракатлар; давлат-хусусий шериклик асосида гемодиализ хизматлари кўрсатиш тиббиёт муассасаларини куриш, жиҳозлаш ва улардан фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган тақлифларни жорий этиш;

гемодиализ аппаратлари ва сарфлаш материаллари етказиб беришга зарур рўйсаномалар беришининг, хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан гемодиализ хизматлари кўрсатишнинг амалдаги тизимини тубдан соддалаштириш бўйича зарур чоралар кўриш;

гемодиализ хизматлари кўрсатиш тартибини, уни амалга ошириш усуллари тартибга солишни, шунингдек, ушбу соҳада давлат-хусусий шериклик шартномаларини тузиш, ижро этиш ва тугатишни назарда тутувчи гемодиализ хизматлари кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги вақтинчалик низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги: а) икки ҳафта муддатда Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказининг тузилмаси ва уставини ҳамда унинг минтақавий бўлималари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқласин;

б) уч ой муддатда: нефрология ва гемодиализ бўлималарининг гемодиализ ускуналари паркин танқидий таҳлил қилсин, унинг ақунари бўйича уларни янгилаш, шунингдек, гемодиализ бўлималари тармоғини кенгайтириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин; дастурий гемодиализдаги беморларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг мажбурий клиник протоколларини тасдиқласин;

республика ва минтақавий тиббиёт муассасалари кесимида гемодиализ олишга беморларнинг тенг миқдорда бириктирилишини таъминласин;

республика, вилоят ва туман (шаҳар) миқёсида кўрсатиладиган тиббий хизматлар ҳажмининг, мутахассисларнинг функционал вазифаларини белгилаган ҳолда нефрология кабинетини ва бўлимини жиҳозлаш стандартларини назарда тутувчи нефрология ихтисослиги бўйича тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини тасдиқласин;

в) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда сурункали буйрак етишмовчилигига дучор бўлган беморлар ҳисобини юритиш ва уларнинг мониторингини олиб боришнинг ягона электрон реестри механизмининг жорий этиш;

г) Чора-тадбирлар дастури сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши устидан мониторинг олиб борилишини таъминласин, мониторинг натижалари тўғрисида ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодий вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фанлар академияси ва Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

гемодиализ ўтказиш учун сарфлаш материалларини маҳаллий ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш ва гемодиализ хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун хайрия маблағлари ва халқро (хорижий) ташкилотларнинг грантларини жалб этиш юзасидан тақлифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: "Соғлиқни сақлаш" тармоғи бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг ҳар йилги параметрларини шакллантиришда ушбу қарор билан тасдиқланган тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағларни назарда тутсин;

давлат-хусусий шериклик асосида стандартлар ва нормативлар бўйича ўтказилган гемодиализ хизматлари учун ўз вақтида ҳақ тўлашини таъминласин;

гемодиализга муҳтож бўлган беморлар сонининг йиллик ўсишини ҳисобга олган ҳолда, зарур гемодиализ ускуналари, эҳтиёт қисмлар ва сарфлаш материаллари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган буюртмалари асосида ўз вақтида харид қилиниши учун бюджет маблағлари ажратилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу қарорда назарда тутилган тадбирлар бажарилиши, шунингдек, ажратилган маблағлардан ўз вақтида, оқилона ва мақсадли фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳақимов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О. Б. Муродов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р. С. Қосимов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 12 июль

ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ЕЧИМИГА АМАЛИЙ ИШЛАР ОРҚАЛИ ЭРИШИЛАДИ

⟨(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).⟩

Шунингдек, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда экологик ҳавфизликни таъминлаш, соҳа қонунчилигини такомиллаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда аҳолининг бу борадаги маданиятини ривожлантириш бўйича ҳаракатлар дастури тасдиқланди. Шу асосда экология ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги ҳужжатларни такомиллаштириш, аҳоли экологик маданиятини юксалтириш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишда улар фаоллигини кучайтириш, соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, жамоатчилик экологик назорати тизимини ривожлантириш, жамоатчи инспекторларни ўқитиш ва улар малакасини ошириш, чиқиндилар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича бир қатор самарали ишлар олиб борилади. Масалан, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар ҳамкорлигида юртимиздаги 8982 та маҳалла фуқаролар йиғинида зарур чора-тадбирлар бажарилиб, ҳар бир маҳалла бўйича экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлигига номзодлар захираси шакллантирилди. Ҳозирги пайтда уларнинг соҳага оид бўлим ва малакасини ошириш чоралари қўрилмоқда.

Соҳага тегишли қонунлар, давлат дастурлари, Президент Фармон ҳамда қарорлари ижросини ўрганиш бўйича 10 дан зиёд назорат-таҳлил тадбирлари ўтказилди. Шулар асосида республикамизнинг барча ҳудудини қамраб олган ҳолда, сайёр йиғилишлар ташкил этилди. Мисол учун, Жиззах вилоятида "Урмон тўғрисида"ги Қонуни ижроси, Бухорода Дезинфекция станцияси бош врачига ҳамда "Агрокимёхимоя" ҳудудий акциядорлик жамияти директорининг термитларга қарши кураш ва профилактика чора-тадбирларининг ижроси тўғрисидаги ахбороти, Қорақалпоғистон Республикасида Президентининг 2017 йил 18 январдаги қарори билан тасдиқланган "2017 — 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури"нинг бажарилиши ҳолатини назорат-таҳлил тартибиде ўрганиш яқини юзасидан ташкил этилган сайёр йиғилиши ана шулар жумласидан.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни аҳолининг истезмом, маийши ва бошқа эҳтиёжлари учун сув объектларидан фойдаланиш қисмининг ижро этилиши юзасидан Соғлиқни сақлаш ҳамда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирликлари, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмиталари ахбороти юзасидан парламент эшитувлари бўлиб ўтди. Айни қаторда "Хавфли чиқиндиларни трансчегаравий ташвиш ва уларни йўқ қилиш устидан назорат қилиш тўғрисида"ги Базель кон-

венцияси бажарилиши ҳолати ўрганилиб, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси эшугуви ташкил этилди.

Орол фожияси оқибатларини юмшатиш, ҳудуд аҳолиси саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг турмуш даражасини янада яхшилаш, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий, экологик барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишда ҳам ҳаракат ва унинг депутатлар гуруҳи фаоллик кўрсатмоқда. Биргина мисол: жорий йил 7-8 июнь кунлари "Орол фожияси оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликдаги ҳаракатлар: янгича ёндашувлар, инновацион ечимлар ва инвестициялар" мавзусида халқаро конференция ўтказилди ва Тошкент резолюциясини қабул қилинди. Оролбўйи минтақасининг экологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий вазиятини яхшилашга йўналтирилган лойиҳалар тўплами маъқулланди.

Йирик саноат корхоналарида вакилларимизнинг тайинлаш бўйича ҳам тизимли ишлар амалга оширилди, яъни атроф-муҳитга таъсири бўйича I ва II тоифага мансуб 593 корхонада вакилларимиз иш бошлади. Қолаверса, 760 дан ортиқ корхоналар фаолияти ўрганилди. Таншувлар жараёнида уларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга кенг татиқ этиш юзасидан зарур таъсиялар берилди.

Аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, жумладан, ёш авлод онгида она табиатни асраб-авайлаш, унга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш бўйича ҳам муайян ишлар рўйга чиқарилди. Экоҳаракат ва унинг депутатлари гуруҳи тегишли вазирлик ҳамда идоралар ҳамкорлигида ёш авлоднинг экологик саводхонлигини ошириш, экологик таълим ва тарбия жараёнини самарали ташкил этишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг "Экологик таълим концепцияси", уни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳалари ишлаб чиқилиб, ҳуқуматга тақдим этилди.

Республикамизнинг 7 та ҳудудда Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат ноҳижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан ажратилган ижтимоий буюртма доирасида аҳолининг экологик маданиятини ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларига жалб этишга қаратилган 350 дан ортиқ тарғибот баннерлари ўрнатилди. Ешларнинг экологик маданиятини юксалтиришга

⟨(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).⟩

Мазкур йўналишдаги қонунчиликни такомиллаштириш борасидаги ишлар бугун ёки кеча бошланган эмас. Мамлакатимизнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашда етакчи қуч — тадбиркорлар учун қўллаб-қўлланувчи ва преференциялар бериляпти.

2015 йил 20 августда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли химоя қилишни янада кучайтириш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган эди. Унга асосан, Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс тадбиркорлик фаолиятига тўсиқлик қилиш билан боғлиқ жиноятлар

Тадбиркорлик фаолиятига тўсиқлик қилганлик учун жавобгарлик янада кучайтирилади

ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таъжир вақти каби қўлланувчи вақти тегишли жавобгарлик белгилаш билан боғлиқ тадбиркорлик назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органлари ходимлари томонидан ушбу соҳада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, хусусий мулк, тадбиркорлик субъектларини ишончли химоя қилишни янада кучайтиришга замин яратяпти. Аммо юқоридеги рақамлар бу борада мавжуд мезонларни янада қатъийлаштиришни таъжир этмоқда. Шундан келиб чиқиб,

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ амалиётда тадбиркорлик субъектларининг мустақиллиги ва хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш мақсадида Жиноят кодексининг 192<sup>1</sup>—192<sup>2</sup>-моддалари ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 241<sup>1</sup>—241<sup>11</sup>-моддаларига ўзгаришлар киритиш назарда тутиляпти.

Жорий этилаётган янгиликлар билан тадбиркорлик фаолиятига тўсиқлик қилганлик учун жавобгарлик янада кучайтирилади. Хусусан, мажбурий жавобгарлик қилиниши мажбурий ҳолда, мажбурий жамоат, ахлоқ тузатиш ишлари, озодлиқни чеклаш ва озодлиқдан маҳрум қилиш каби санкциялар ўрнатилляпти.

Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда хусусий мулк, бизнеснинг қўлини ҳуқуқий қафолатлари тизимини яратишга хизмат қилади.

Шўҳрат МАМАЖОНОВ, Олий Мажлис Кўнунчилик палатасининг Кўнунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси.

Металлни қайта ишлаш саноатидаги йирик лойиҳа импортни камайтириш, экспорт ҳажминини оширишда муҳим роль ўйнайди



⟨(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).⟩

— Ўзбекистон билан Швейцария ўртасида иқтисодий алоқалар тобора мустаҳкамланиб бораётганига бугун фойдаланишга топширилган "Metal Processing" корхонаси яққол мисолдир. — дейди Швейцария федерал иқтисодий, таълим ва илмий тадқиқотлар вазири Йоганн Шнайдер-Амман. — Унинг аҳамияти шундаки, юрtingиз иқтисодийнинг муҳим тармоғи бўлган тўқимачилик ва енгил саноатда маҳаллийлаштириш даражасини ошириш имконини беради. Чунки бу ерда, энг аввало, "Rieter Uzbekistan" корхонасида ишлаб чиқарилаётган тараш, пилталаш ҳамда ҳал-

лар ишлаб чиқариш тезда йўлга қўйилишида қўл келди.

Заводимизда ҳозирнинг ўзида 600 хилдаги маҳсулот тайёрланмоқда, — дейди ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Улуғбек Ваҳобов. — Уларнинг сифати эса халқаро стандартларга тўла жавоб беради. Чунки биз энг илғор ускуналардан фойдаланамиз. Масалан, мана бу, лазерли кесиш ускунаси ёрдамида қалинлиги 1 миллиметрдан 12 миллиметргача бўлган пўлат листлар юқори аниқликда кесилади. Ҳудди шунингдек, шакл бериш, пайвандлаш машиналари ҳам қўллаб-қўлланувчи эгаллиги билан турдошларидан ажралаб туради. Шу боис ишлаб чиқаришни тез орада лойиҳавий қувватга чиқаришга аҳд қилинамиз.

Янги корхонанинг очилиши муносабати билан ташкил этилган тадбирда сузга чиққанлар таъкидлаганидек, мазкур лойиҳа тўқимачилик машинасозлигини сифат жиҳатидан ривожлантириш, қолаверса, металлни қайта ишлаш жабҳасида импортни камайтириш, экспорт ҳажминини оширишда муҳим роль ўйнайди. Сабаби бу ерда оғир саноат корхоналари учун оддий деталдан тортиб, мураккаб бутловчи қисмларгача тайёрлаш ўлаштирилиши кўзда тутилган.

"Metal Processing" республикамизда металлни қайта ишлаш жабҳасида дастлабки муҳим қадам бўлса-да, у саноатнинг бошқа тармоқлари истиқболда ҳам нури-ли уфқларини очиши мумкин.

Айни пайтда корхонада 35 нафар киши меҳнат қилляпти. Уларнинг аксарияти хорижда малака ошириб келишгани мураккаб технологияли маҳсулот-

Сайд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Борий АЛИХОНОВ, Олий Мажлис Кўнунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий кенгаши Икхрия Қўмитаси раиси.

# Ноз-неъматлар уволлига қоляпмиз Бунга ким айбдор?

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Гарчи, кўлга киритилган натижалар ижобий бўлса-да, жойларда реал ҳолат билан яқиндан танишганимизда, вазият сизу биз уйланганчалик эмаслигига ишонч ҳосил қилдик. Мавжуд имкониятдан тўлиқ фойдалана олинмаётгани, маҳсулотни сақлаш, экспорт қилиш бўйича яратилган тизим тўлиқ ишламаётгани оқибатида, афсуски, машаққатли меҳнат эвазига етиштирилган ноз-неъматлар увол бўлмоқда.

## Фермер ёрдамга муҳтож

“Қибрай олтин меваси” фермер ҳўжалиги раҳбари Зарина Жуманазарова 4 гектарлик боғидаги олтуру ҳосилини нима қилишни билмай, боши қотган. Мана, икки йилдирки, фермер меваларни сарфланган харажатни қоплайдиган даражадаги нархда сота олмапти. — Харидорларнинг йўқлигидан ўтган йили ҳосилнинг катта қисми ер билан яқин бўлди, — дейди у. — Бу ҳол жорий мавсумда ҳам такрорланади, пишиқ етилган мевалар “оқиб кетмоқда”. Қилган меҳнатингиз ачинасан, киши. Тўлиқ ҳосилга кирган дарахтларни кесиб ташлашга эса кўзингиз киймайди. Уволи борда! Фермерларни қўлаб-қувватлаш учун экспорт билан шуғулланадиган, айни вақтда маҳсулотни қайта ишлайдиган корхоналар масъулиятини ошириш, улар сонини кўпайтириш лозим. Афсуски, бугун ҳар икки тармоқ ҳам кўнглидагидек ишламаяпти. Қанийди улар эрта баҳорданок биз билан шартнома тузишса-ю, бор ҳосилимизни сотиб олишса. Шунда фермер ўз юмуши билан машғул бўлар эди.

Тўғри, фермерларга кўмак бериш, ҳамкорлар топиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, пойтахт вилоятининг Қибрай туманида шу йилнинг ўтган олти ойи давомида 7 миллион 190 минг АҚШ доллари миқдорда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинди. Прогноз кўрсаткичлари 120 фоиз урдадан ошмоқда. Маҳсулотнинг асосий қисми июнь ойида чет элликларга етказиб берилди. Яъни бир ой давомида ҳориз бозорларига чиқарилган мева-сабзавотларнинг умумий ҳажми 5 миллион 193 минг долларга тенг бўлди. Бироқ ушбу рақамни бундан бир неча баробар ошириш учун имкониятлар етарли. Нега ундан фойдаланилмаяпти?

Туман фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши раиси Нейматилла Соатов мазкур рақамларни қўйидагича шарҳлайди: — Аввало, бу табиий омиллар билан боғлиқ. Юртимизда июнь — айни пишиқчилик ойи. Қолаверса, биз “Узагроэкспорт”дан ёрдам кутдик. Натига бўлмагач, фермерларимиз ўз куч ва имкониятларини ишга солишди.

Тўғри, бу жараён анча оғир кечди. Фермерларнинг ҳар томонлама мукамал ва етук раҳбар бўлишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. У, албатта, бозор илми, маркетингини яхши ўзлаштириши лозим. Таассуфки, ҳозирча ҳамма ҳам бундай салоҳиятга эга эмас.

Тумандаги “Байтқўрғон. Арипов Хайитбой” кўп тармоқли фермер ҳўжалиги ҳаммаси 21,5 гектар майдонда деҳқончилик қилади. Улар йиғинли равишда олинган мева-сабзавотларнинг бир қисмини ички бозорга йўналтириб, қолганини қайта ишламоқда. Бунда фермер ташаббуси билан замонавий корхона, 2000 тонна маҳсулот сақлашга мўлжалланган музлаткич қуриб битказилгани айни мuddао бўлди.

Корхона бир кунда 10 тонна маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга. Аммо харидор йўқлиги унинг кам қувват билан ишлашига сабаб бўлаётир. Фермер ҳўжалиги омиборида 600 минг долларлик 10 дан ортиқ турдаги, замонавий дизайндаги бежирим идишларга қадоқланган маҳсулотлар сақланмоқда. Улар, асосан, чет эллик харидорларга мўлжалланган, лекин ҳали экспорт қилинган йўқ.

